

**№ СРIO-2595/VDS - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

Юридик шахслар (ишу эксумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Тошкент ш.

2022 йил “10” 10

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “30” декабрдаги 45-01-07/1159-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг “Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази” филиали директор ўринбосари А.Е. Хон (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва «Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор А.Х. Мухитдинов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргалиқда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.1.1. Телекоммуникация хизматлари учун ушбу Шартнома асосида хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб 100 (бир юз) фоиз микдорида олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **10 (ён) календар куни** мобайнида амалга оширилади.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг (15% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 10.10.2022дан 31.12.2022 йилгача умумий миқдори: 260 207 028,00 (Икки юз олтмиш миллион икки юз етти минг йигирма саккиз) сўмни ташкил этиди. Ундан 86 735 676,00 (Саксон олти миллион етти юз ўттиз беш минг олти юз етмиш олти) миқдоридаги ҳар ойлик Абонент тўловини (1-илова) Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган ҳолларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар ҳисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма қонунчиликда белгиланган тартибда Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.6. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатиши, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади (2-илова).

3.9.1. Агар Абонент **10 (ён) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равища Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонунчилик хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироznома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хақда мажбурий равища хабардор килинади.

7. Коррупцияга қарши шартлар

7.1. Мазкур шартлар Тарафлар, уларнинг аффилланган шахслари ва ишчиларининг бизнесни очиқ ва ҳалол юритиш тамойилларига содиклигини акс эттиради, кўрсатилган шахсларнинг коррупциявий фаолиятга аралашиш ҳатарларини минималлаштиришга, шунингдек Тарафларнинг ишбилармонлик обрўсини юкори даражада саклашга қаратилган.

7.2. Тарафлар мазкур Шартномани бажаришда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширмасликни таъминлаш мажбуриятини олади:

raigbatlantruvchi Taraaf foydasiga biron-bir haarakatlarни amalga oshiriliшини (oklannmagan ustunlik bériş, biron-bir kafolatlari takdim kiliş, tegishi tartyib-taomillarни telszashiriш va x.) taъminlaш maksadida boşka Taraaf ishchilariga, pul vositalari tūlaш ёки tūlaшni takliф kiliş, ёki boşka kimmattliklari takdim kiliş, ishlari (xizmatlar)ni bepul bajarish va x.;

коррупцияга қарши курашиш tūgrisidagi қонунчиликни бузувчи, шу жумладан тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ҳамда бизнесни юритишнинг конунга хилоф ва гайрихукуқий бошқа ҳаракатлар.

7.3. Бир Taraaf korrupcijaiga қarshi kuraishi tūgrisidagi konunchnilikni buzganda, boşka Taraaf shartnomani bekor kiliş haqida ёzma xabarномa жўnatgan ҳolda Shartnomani bir tomonlama bekor kiliş huкуkiga ega. Mazkur shartlar қoidalari asosida Shartnomani bekor kiliş tashabbusi bilan chickan Taraaf, Shartnomani bekor kiliş natijasida vujudga kelgan haqiqiy zararni qoplashni talab kiliş huкуkiga ega.

8. Якуний қоидалар

8.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатларига амал килади.

8.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал килади.

8.2.1. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

8.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Офера, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

8.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартномa ўз кучida қoladi. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичida бир-бирларini хабардор қилишлari шарт.

8.5. Ушбу Шартномага ўзgartiriшлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равища расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақdирda) bilan tasdiqlangan bўlsa, ҳaқiqiy xisoblanadi.

8.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

9. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:
АК "Ўзбектелеком"

«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиал
Манзил: Тошкент, А. Темур кўчаси, 97 А.
Тел: (99) 836-7600
Электрон почта: b2b@uztelecom.uz
Банк маълумотлари:
хисоб раками: 2021 0000 5040 7483 8088
АТБ Алоқабанк
МФО: 00401
СТИР: 203366731
КТУТ: 61100
Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди
КҚС 326 030 013 817
Директор ўринбосари:



А.Е. Хон

АБОНЕНТ:

«Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси


Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 22, 22а ва 24-й
Банк маълумотлари:
х/р:20210000905250707001
СТИР: 207 322 159
МФО: 00401
Банк номи: АТ Алоқабанк Амалиёт ҲҚҲКМ
Тел: +(998) 55 501 36 06

Абонент номидан:



А.Х. Мухитдинов

Ижрочи: Тагаева А.
Тел.: (+998 99) 700-0710



КМХКХ бўлим бошлиғи: Раҳмадова Ш.Х.



Хизматлар
1. Хизматлар рўйхати ва улар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги Миллий валюта – сўм

t/p	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (микдори)	Микдори	15% ҚҚС билан Тўлов микдори, (еўмда)
1	2	3		6
I. Бир марталик тўловлар				
II. Ҳар ойлик абонент тўловлари				
2.1	Қаттиқ дискнинг маълумотларни сақлаш тизими (HDD) (10K)	450,00	40 960	18 432 000,00
2.2	Қаттиқ дискнинг маълумотларни сақлаш тизими (HDD) (SSD)	1 650,00	40 960	67 584 000,00
2.3	Оператив хотира (RAM), 1 ГБ учун	7 500,00	32	240 000,00
2.4	Идоралараро маълумотлар узатиш тармогини тармогига (шаҳар) тезлиқда уланиш учун Абонент тўлови – 10 Mbit/s	104 838,00	2	209 676,00
2.5	VPN тармогига (шаҳар) тезлиқда 20 Мбит/с уланиш учун Абонент тўлови	210 000,00	1	210 000,00
2.6	IP-манзил	20 000,00	3	60 000,00
2.7	Интернетга уланиш тезлиги - 10 Mbit/s гача ва TAS-IX, UZ-IX таръёкларига уланиш тезлиги - 100 Mbit/s гача	-	-	Тариф режасига киритилган
Жами (олдиндан тўлов)				86 735 676,00

Жами олдиндан тўлов микдори 86 735 676,00 (Саксон олти миллион етти юз ўттиз беш минг олти юз етмиш олти) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % микдорида.

Шартноманинг (15% ҚҚСни хисобга олган холда) 10.10.2022дан 31.12.2022 йилгача умумий микдори: 260 207 028,00 (Икки юз олтмиш миллион икки юз етти минг йигирма саккиз) сўмни ташкил этади. Ундан 86 735 676,00 (Саксон олти миллион етти юз ўттиз беш минг олти юз етмиш олти) микдоридаги ҳар ойлик Абонент тўловини. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган холларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар хисоб-фактуррага асосан амалга оширилади.

"Ўзбектелеком" АК номидан:
«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали



Директор ўринбосари

SOTUV VA
XIZMAT
KOURSATISH
MARAZI
FILIALI

/имзо/

М. ў.

5-бет. № CPIO-2595/VDS – сон АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Абонент номидан:
«Электрон хукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси



A.X. Мухитдинов

/имзо/

М. ў.

"10" 10 2022 йилдаги № CPIO-2595/VDS -сонли абонент шартномаси

Далолатнома

Бажарылган ишларни қабул қилиш ва маҳсус уланишни синовдан ўтказиш
 телекоммуникация хизматлари шартномаси асосида амалга оширилди
 "10" 10 2022 йилдаги № CPIO-2595/VDS

№	Хизматлар рўйхати	Сана	Бажарылган ишларни қабул қилиш белгиси
1.	Қаттиқ дискнинг маълумотларни саклаш тизими (HDD) (10K) Уланиш нуқталари сони – 40 960	« » 2022йил.	Бажарилди
2.	Қаттиқ дискнинг маълумотларни саклаш тизими (HDD) (SSD) Уланиш нуқталари сони – 40 960	« » 2022йил.	Бажарилди
3.	Оператив хотира (RAM), 1 ГБ учун Уланиш нуқталари сони – 32	« » 2022йил.	Бажарилди
4.	Идораларо маълумотлар узатиш тармоғини тармоғига (шаҳар) тезликда уланиш учун Абонент тўлови – 10 Mbit/s Уланиш нуқталари сони – 2	« » 2022йил.	Бажарилди
5.	VPN тармоғига (шаҳар) тезлиқда 20 Мбит/с уланиш учун Абонент тўлови Уланиш нуқталари сони – 1	« » 2022йил.	Бажарилди
6.	IP-манзил Уланиш нуқталари сони – 3	« » 2022йил.	Бажарилди
7.	Интернетга уланиш тезлиги - 10 Mbit/s гача ва TAS-IX, UZ-IX таръёкларига уланиш тезлиги - 100 Mbit/s гача	« » 2022йил.	Бажарилди

"Ўзбектелеком" АҚ номидан:
 «Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали

Директор ўринбосари

Абонент номидан:
 «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси



A.E. Xon



A.X. Мухитдинов

